

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

488 Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этиш-
нинг 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган чора-тад-
бирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПҚ–1271-сон қарори билан тасдиқланган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда аҳоли, айниқса болалар ва ўсмирларнинг кўнгилли дам олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши, маънавий-эстетик кадриятлар асосида соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш учун ҳар бир маҳалла, даҳа ва микротуманда зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги то-

монидан Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган:

Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ;

болалар майдончаларига қўйиладиган талаблар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда болалар майдончаларига қўйиладиган талаблар асосида ҳамда аҳоли сони ва ўй-жойларнинг жойлашувини инобатга олган ҳолда, болалар майдончаларининг 5 та типдаги намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилишини таъминласин ва уларда қўйидагиларни назарда тутсин:

болаларнинг бўш вақтини мароқли ўтказиши ва жисмоний ривожланиши учун болалар майдончаларининг қулай, кўркем ва текис жойларда ташкил этилиши, уларнинг атрофида серсоя дарахтлар ва ўтириб дам олинadиган хордиқ ўриндиқлар бўлиши;

ўйин ва спорт қурилмаларининг болаларнинг ёши ва қизиқишларига мос замонавий ва содда тузилишга эга бўлиши ҳамда уларнинг санитария ва хавфсизлик техникаси талабларига жавоб берадиган турларининг ўрнатилиши.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари дастурни амалга оширишда асосий ижрочилар сифатида белгилансин ҳамда улар зиммасига қўйидаги вазифалар юклансин:

бир ой муддатда мавжуд барча болалар майдончаларини, спорт ва ўйин қурилмаларини ялпи хатловдан ўтказиш ва уларни тегишли равишда ўй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тасарруфига бериш;

бир ой муддатда туманлар ва шаҳарлар бўйича намунавий лойиҳалар асосида ҳар бир маҳалла, даҳа ва микротуманларда болалар майдончалари ташкил этишни (тиклашни) назарда тутадиган, 2011 — 2015 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган ҳудудий манзилли дастурларни ишлаб чиқиш;

тадбиркорлар, жамоат бирлашмалари, жамғармалар, фермер хўжаликлари, корхона ва бошқа ташкилотларни, маҳаллий аҳолини жойлардаги болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил қилиш ишларига кенг жалб этиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган ҳудудий манзилли дастурлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ҳамда Коммунал соҳа, транс-

порт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментлари билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

болалар майдончаларини тиклаш, ташкил этиш ва уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар, биринчи навбатда, маҳаллий аҳоли, жумладан, тегишли ҳудудда истиқомат қиладиган тадбиркорлар, шунингдек, корхона ва ташкилотлар ҳамда бошқа ҳомийлар маблағлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджетдан ташқари молиявий манбалари ҳисобидан амалга оширилади;

зарур ҳолатларда болалар майдончаларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш билан боғлиқ айрим харажатлар маҳаллий бюджетлар параметрларида ободонлаштириш харажатлари учун назарда тутилган маблағлар доирасида молиялаштирилиши мумкин;

болалар майдончаларининг кўркам ва обод ҳолда сақланиши, улардаги ўйин ва спорт қурилмаларининг техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлишига уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари масъулдир.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлигига назарда тутилган бюджет маблағлари доирасида намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун маблағ ажратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда болалар майдончалари учун замонавий спорт ва ўйин қурилмаларини мамлакатимиздаги корхоналарда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда дастурнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан тизимли равишда мониторинг ишларини олиб бориш ва унинг натижалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига мунтазам ахборот бериб бориш вазифалари юклансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 22 декабрь,
304-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 22 декабрдаги 304-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011 — 2015 йилларга
мўлжалланган чора-тадбирлар
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Тадбирларни амалга ошириш механизми ва улардан кутилаётган натижа
1. Болалар майдончалари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш					
1.	Болалар майдончаларига фаолият кўрсатиши учун жисмоний соғломлаштириш иншооти паспорти ва сертификатини бериш.	2011 — 2015 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	Маҳаллий ҳокимликларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва ҳомийлар маблағлари	Болалар майдончаларини паспортлаштириш жорий этилади. Болалар майдончаларини сертификатлаш орқали уларга кўйилган талабнинг бажарилиши таъминланади. Белгиланган метр ва талабларга мувофиқ мақсадли фойдаланиш таъминланади. Ягона давлат хатловидан ўтказилади.
2.	Республиканинг ҳар бир туманида (шаҳрида) 5 та рағбатлангувчи мукофот таъсис этувчи «Энг яхши болалар майдончаси» таловининг Низомини ишлаб чиқиш, уни белгиланган тартибда тасдиқлаш ва 2011 йилдан бошлаб жорий этиш.	2011 йил февраль	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Қамолот» ЕИХ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ҳомийлар маблағлари	Низом лойиҳаси ишлаб чиқилади ва белгиланган тартибда тасдиқланади. Энг яхши намунавий майдонча аниқланади. Рақобатчилик асосида болалар майдончаларининг ҳолати яхшиланади.
3.	Энг намунали болалар майдончаларида ишларни ташкил этиш бўйича тушунтиришлар олиб бориш ҳамда кўргазмали тренинглار ўтказиш орқали илгор тажрибаларни оммалаштириш.	2011 йилдан бошлаб ҳар йили	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси, «Қамолот» ЕИХ	—	Энг намунали замонавий болалар майдончаси танлаб олиниб тажриба алмашилади. Барча болалар майдончаларининг яхшилланишига эътибор берилади.
4.	Болалар майдончаларида техника хавфсизлигига риоя этиш қондаларини ишлаб чиқиш.	2011 йил I чорак	Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	—	Техника хавфсизлигига риоя қилиш қондалари ишлаб чиқилади. Болалар хавфсизлигини таъминлашга эришилади.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Тадбирларни амалга ошириш механизми ва улардан кутилаётган натижа
5.	Болалар учун мўлжалланган газета ва журналларда «Болалар майдончаларида» туркумида мақолалар чоп этиб бориш.	Доний	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари	—	Болалар майдончалари аҳамияти аҳоли ўртасида оммалашади. Уларни сақлаш ва ривожлантиришга эътибор кучайтирилади.
6.	Ота-оналар ўртасида: — болалар майдончаларидан тўғри фойдаланиш ва уларни сақлаш; — болаларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишида майдончаларнинг аҳамияти хусусида давра суҳбатлари ўтказиш ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш; — мактабча таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида «Болалар майдончалари»ни оммалаштириш бўйича буклетлар чиқариш.	2011 йилдан бошлаб доний	Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» жамағатмаси, «Камолот» ЁИХ	—	Ота-оналар ўртасида ишлаб чиқилган хавфсизлик қоидаларини тарғиб қилишда ва болаларнинг соғлиги учун жисмоний машқлар фойдаси тарафлари тушунтирилади.
II. Болалар майдончаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ҳамда уларнинг бошқарув тизimini такомиллаштириш					
7.	Болалар майдончаларига қўйилган талаблар асосида ҳамда аҳоли сонини, уй-жойларнинг тури ва жойлаш-шини инобатга олган ҳолда болалар майдончаларининг 5 та типдаги намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш.	2011 I чорак	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Давархитекстурилик» кўмитаси, Молия вазирлиги	Маданият ва спорт ишлари вазирлигига кўзда тутилган бюджет маблағлари доирасида	Худудларда ташкил қилинадиган ва тикланадиган болалар майдончаларининг намунавий лойиҳалар асосида амалга оширилишига эришилади.
8.	Болалар майдончаларини ва улардаги мавжуд спорт ва ўйин қурилмаларини янги хатловдан ўтказиш, уларни тегишли уй-жой мулкдорлари ширкатлари тасарруфига бериш ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бириктириш.	Бир ой мuddатда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	Болалар майдончаларини ва улардаги мавжуд спорт ва ўйин қурилмалари аҳоли яши хатловдан ўтказилади. Ўтказилган хатлов натижаларига кўра туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан барча болалар майдончаларини уй-жой мулкдорлари ширкатлари балансига ўтказиш ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бириктириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Болалар майдончаларини ва улардаги спорт ва ўйин қурилмаларини соз ҳолатида сақлашга эришилади.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Тадбирларни амалга ошириш механизми ва улардан кутилаётган натижа
9.	<p>Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишининг 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган ҳудудий манзилли дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда куйидагиларни назарда тутиш:</p> <p>ҳар бир маҳалла, даҳа ва микрорайонларда илгари ташкил этилган болалар майдончалари бўлмаган маҳалла, даҳа ва микрорайонларда янгиларини куриши; турар жой даҳалари ва маҳаллаларда рекреация зоналари ташкил этиши; болалар майдончаларини ободонлаштириш ва кўсаламзорлаштириш; болалар майдончаларини спорт ва ўйин қурилмалари билан жиҳозлаш.</p>	2011 йил февраль	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари АТД, Коммунал соҳа, транспорт, капитал курилиш ва курилиш индустрияси масалалари АТД	—	<p>Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишининг 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган ҳудудий манзилли дастурларини ишлаб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасига келишиш учун киритилади.</p> <p>Болалар майдончалари ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар асосида болалар майдончаларини ташкил этиш параметрлари шакллантирилади.</p> <p>Аҳолининг (болаларнинг) дам олиши, жисмоний тикланиши учун шарт-шароитлар яратилади.</p>
10.	<p>Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил қилиш Дастурини амалга ошириш бўйича мутасадди идора ва ташкилот вакилларида иборат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлигида ҳудудий комиссиялар ташкил этиши.</p>	2011 йил февраль	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қарорлари билан ҳудудий комиссиялар таркибини ва уларнинг вазифаларини тасдиқлаш. Дастурни амалга оширишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва унинг бажарилишини таъминлаш.
11.	<p>Тасдиқланган ҳудудий манзилли дастурларга асосан болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этиш ишларини амалга ошириш, шу жумладан янгидан ташкил этиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўсаламзорлаштириш ҳамда уларни спорт ва ўйин қурилмалари билан жиҳозлаш.</p>	2011 — 2015 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	маҳаллий давлат органларининг бюджетдан ташқари молиявий манбалари ва ҳомийлар маблағлари	2011 — 2015 йилларда барча болалар майдончалари замонавий қиёфага келтирилади, улар спорт ва ўйин қурилмалари билан жиҳозланади. Республиканинг ҳар бир маҳалласида камида битта, кўп қаватли тирали уйли аҳоли массивларида эса — ҳар тўртта уй учун камида биттадан замонавий болалар майдончалари бўлишига эришилади.
12.	<p>Қайта тикланган ва янгидан барпо этилган болалар майдончаларини фойдаланишга тантанали вазиятда топшириш маросимларини ўтказиш.</p>	Байрамлар арафасида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	—	Болалар майдончаларини тантанали топшириш, аҳоли ўртасида ушбу ишларни оммалаштириш, газета, журнал ва телевидение орқали кенг ёритиб бориш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Тадбирларни амалга ошириш механизми ва улардан кутилаётган натижа
13.	Боалар майдончаларини замонавий спорт ва ўйин қурилмалари билан таъминлаш мақсадида уларни республика корхоналарида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.	2011 йилдан бошлаб	Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	Тадбиркорлар, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари	Боалар майдончалари учун замонавий спорт ва ўйин қурилмалари ишлаб чиқиш лойиҳаларини Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш. Импорт ўрнини босувчи янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди ва республикада янги иш ўринлари яратилди.
14.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида боалар майдончалари учун замонавий спорт ва ўйин қурилмалари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар маҳсулотлари кўргазмаларини ўтказиш.	2011 йилдан бошлаб ҳар йили март ойида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Боалар спортини ривожлантириш жамғармаси	—	Боалар майдончалари учун замонавий спорт ва ўйин қурилмалари кўргазмаларини ўтказиш режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланади. Боалар майдончаларини замонавий спорт ва ўйин қурилмалари билан жиҳозлашга кенг имконият яратилди.
15.	Дастурнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш.	2011 — 2015 йиллар	Иқтисодиёт вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	Дастурнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб борилади ва унинг натижалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига мунтазам равишда ахборот бериб борилади.
III. Боалар майдончаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш сарф-харажатларини молиялаштириш					
16.	Боалар майдончаларини тиклаш, ташкил этиш ва уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаш билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш учун иштирокчилар маблағларини жалб этиш ва сарфлаш тартибини белгилаш.	2011 — 2015 йиллар	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги	—	Маҳаллий аҳоли, жумладан, тегишли ҳудудда истиқомат қиладиган тадбиркорлар, шунингдек, корхона ва ташкилотлар ҳамда бошқа ҳомийлар маблағлари, маҳаллий давлат органларининг бюджетдан ташқари молиявий маблағларини жалб этиш ва сарфлаш тартиби белгиланади.
17.	Боалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган ҳудудий манзилли дастурларини амалга оширишнинг молиявий манбалари ва миқдорини аниқлаш.	2011 йил февраль	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	Боалар майдончаларини тиклаш, ташкил этиш ва уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаш билан боғлиқ сарф-харажатларнинг миқдори ва манбаи аниқланади.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Тадбирларни амалга ошириш механизми ва улардан қўллаётган натижа
18.	Маҳаллий аҳоли, жамоат ташкилотлари, жамгармалар, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар ва фермерларни: болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этиш ҳамда уларни қайта жихозлаш ишларига; худудий комиссия ишчи гуруҳига кенг жалб қилиш.	2011 йилдан бошлаб	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари, маҳаллий аҳоли, жамгармалар, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар, фермерлар	—	Маҳаллий аҳоли, жамоат ташкилотлари, жамгармалар, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар, фермерлар болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этиш ҳамда уларни қайта жихозлаш ишларига кенг жалб қилинади. Белгиланган тадбирларни амалга оширишда ҳомийлик маблағлари қўлами ортади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 22 декабрдаги 304-сон қарорига
2-ИЛОВА

Болалар майдончаларига қўйиладиган ТАЛАБЛАР

Болалар майдончалари болаларнинг ўз вақтини мазмунли ўтказиши, жисмоний ва ижтимоий ривожланишига хизмат қилади. У ерда жойлаштириладиган барча жиҳозларнинг болалар учун қизиқарли бўлишига эришиш зарур. Чунки мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларнинг кундалик ҳаётида ўйин энг қизиқарли фаолият тури ҳисобланади ва ўйин воситасида болаларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланишига самарали таъсир этиш имконияти бор. Ўйин орқали болалар атроф муҳит билан яқиндан танишади, ўзаро мулоқот қилишни ўрганади ва мустақил ҳаракатланиш, ўз кучини синаб кўриш имкониятига эга бўлади.

Болалар ўзлари учун инстинктив равишда ўйин жиҳозлари, ўйин майдони ва ўйин турини танлайди. Болалар майдончасида ўтказиладиган ҳаракатли ўйинлар орқали болалар табиат билан уйғунлашади ва охир-оқибатда уларга табиатга меҳр уйғонади. Майдончаларда ташкил этиладиган ўйинлар фақат у ердаги спорт жиҳозлари билан боғлиқ бўлибгина қолмасдан, содда миллий ўйинларни ҳам камраб олиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса болаларни ўйин воситасида миллий анъаналаримизга муҳаббат руҳида тарбиялаш учун хизмат қилади. Ушбу ўйинлар орқали болаларнинг ҳаракатларида мустақиллик, дадиллик пайдо бўлади. Улар бу майдончаларда эркин ҳаракат қилиш, бошқа болаларнинг ҳаракатларидан ўрнак олиш имкониятига эга бўладилар.

1. Жой танлаш. Болалар майдончаси аҳоли яшаш пунктларининг марказий қисмларида, уйлардан узоқ бўлмаган масофада, иложи борича кенг-рок, очикроқ жойда ташкил этилиши керак. Улар учун танланадиган жой автомобиллар қатнайдиган йўлдан ва автомобиллар тўхташ жойидан узоқда бўлиши шарт, танланган жойда канализация люклари бўлмаслигига эътибор қаратиш лозим. Агар танланган жойда дарахтлар бўлса, уларнинг соясидан унумли фойдаланиш керак. Танланган жойнинг юза қисми иложи борича текис бўлишига эришиш зарур. Майдончанинг муайян қисми ёки тўлиқ равишда махсус қоплама билан қопланиши ҳам мумкин.

2. Ёритиш масалалари. Танланган жой кундузи етарли даражада қуёш тушиб турадиган, кечаси ҳам ёритиш имконияти мавжуд бўлиши лозим. Электр ёритиш тизимидан фойдаланишда майдончанинг барча қисмлари текис ёритилишига эришиш зарур. Бу болаларнинг кечки пайтда ҳам беҳавотир ҳаракатланишини таъминлайди.

3. Ўйин жиҳозлари. Болалар майдончасига жойлаштириладиган ўйин жиҳозлари бир-биридан хавфсиз масофада, бошқасига ҳалақит бермайдиган даражада жойлаштирилишига эришиш керак. Ўйин жиҳозлари уларда ўйнайдиган болаларнинг ёши ва талабларига мос бўлиши лозим.

Бу уларнинг яйраб ўйнаши, ўз имкониятларини синаб кўриши ва жисмоний ривожланиши учун хизмат қилиши зарур. Болалар майдончасида яратилган муҳит болаларнинг ижтимоий мослашишига хизмат қилади, ўзларини дадил тутишига, ҳаракатларни чўчимасдан, дадил бажаришига ёрдам беради.

4. Ҳудуд атрофини ўраш. Болалар майдончалари алоҳида тўсиқ ёки панжара билан ўралиши лозим. Бу тўсиқлар ёғоч ёки металлдан тайёрланиши, уларнинг бўйи 70 сантиметр бўлиши мақсадга мувофиқдир. Тўсиқлар болалар майдончасида ер транспортларининг ҳаракатланиши, уй хайвонларини сайр қилдиришнинг олдини олиш ҳамда улар хавфидан сақлаш мақсадида, шунингдек, болаларнинг ҳаракатли ўйинлари давомида майдонча чегарасидан чиқиб бошқаларга ҳалақит бермаслигини таъминлайди.

5. Дизайн. Болалар майдончаларини лойиҳалаштиришда дизайн масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши керак. Бунда, биринчи навбатда, болаларни жалб этадиган даражада қизиқарли ва ёрқин ранглардан фойдаланиш, у ердаги спорт жиҳозларини тартибли, бири иккинчисига ҳалақит бермайдиган, агар зарур бўлса, бир жиҳоздан кейин иккинчисига ўтиб ўйнаш қизиқарли бўлишини таъминлайдиган бўлиши керак.

Ўйин жиҳозлари

6. Болалар майдончаларига жойлаштириладиган ўйин жиҳозлари, биринчи навбатда, хавфсиз, болаларга жароҳат етказмайдиган, ўткир қирраларсиз бўлиши лозим. Уларнинг асосий турлари қуйидагилардир.

Кўзиқорин. Болалар майдончалари мавжудлигини яққол билдирувчи бу жиҳоз алоҳида ҳолда ҳам, қум тўкилган жой тепасида ёки дам олиб ўтириладиган айлана скамейка тепасида ҳам ўрнатилиши мумкин. Бу кўзиқорин қалпоқсимон кўринишдаги металл ёки тахта қопламанинг ёғоч устунга ўрнатилганидир. Кўзиқориннинг тепаси одатда бир хил рангдаги бўёқ устига кўзиқорин доғлари сингари думалоқ шаклдаги бошқа ранги билан ажралиб туради.

Айвонча. 4-5 нафар бола айлана шаклида ёки бир-бирига қарама-қарши томонда ўтирадиган скамейкалар билан жиҳозланган, усти металл ёки тахта билан тўртбурчак шаклида қопланган дам олиш жойи. Бу жой болаларнинг ҳаракатли ўйинлардан чарчаган даврида мулоқот қилишлари ва пасив ҳордиқ чиқариш учун хизмат қилади. Ёмғирли кунларда эса у ерда ўтириб, суҳбатлашиш имконияти бўлади.

Учоқлар. Учоқларга икки кишилиқ ва тўрт кишилиқ горизонтал учоқлар ҳамда бир кишилиқ ва икки кишилиқ вертикал учоқлар ва бошқа турли учоқлар киради. Улар ўриндиқларда ўтирган ҳолда икки томонга тебраниш қондаларига асосланади. Ўриндиқлар болалар учун қулай бўлиши ва улар олдида ушлагичлари бўлиши лозим. Учоқлар подшипник орқали асосга бирлаштирилиши шарт. Чунки ҳаракатларнинг силлиқ ва равон бўлишига подшипниклар воситасидагина эришилиши мумкин. Вертикал учоқ атрофида

маълум масофагача хавфсизлик зонаси ташкил этилиши ва бошқа жиҳозлар жойлаштирилмаслиги талаб этилади.

Ўргимчак тўри. Бу жиҳоз ярим айлана шаклида кесилган икки жуфт қувурнинг бир-бирига ёпиштирилган ва ҳар иккала жуфт қувурларнинг ўртасида уларни боғлаб турувчи қувурлар пайвандланган бўлади. Жиҳознинг умумий кўриниши ағдарилган пиёлани эслатади. Турниксимон кўринишда қатор пайвандланган қувурларга болалар осилиб ўйнаши натижасида уларнинг билак қуввати ортади, тепаликка кўтарилиб борган сари улар ўз кучларини ҳисоблашга ва қанчалик даражада баландликка етиб бора олишларини синаб кўрадilar.

Қумхона. Тахминан 1,5 x 1,5 метр ёки 2,0 x 2,0 метр кенгликдаги майдон ёғоч тўсиқ билан ўралиб, унинг ўртасига қум тўкилади. Ёғоч тўсиқ ўткир қиррали бўлмаслиги керак. Қумхонада ўтказиладиган ўйинлар болаларнинг мушоҳада қобилиятини ривожлантиради. У ерда қумдан ясаладиган иморатлар, иншоотлар ва турли кўринишдаги миноралар улардаги ижодий қобилиятни ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин. Қумхонада фойдаланиладиган челақча, хокандозча, автомашина ва бошқа ўйинчоқлар болаларнинг ўзларида бўлади ва уларнинг фантазиясидан келиб чиқиб турли ўйинлар ўтказилиши мумкин.

Сирпанчиқ. Одатда металл ёки пластмассадан тайёрланадиган сирпанчиқ болаларнинг энг сеvimли снаряди ҳисобланади. Сирпанчиқнинг тепасига чиқиб олиш учун эса нарвон ва ундан йиқилиб кетмаслик учун қўл билан ушлаб чиқиладиган тўсиқ ҳам бўлиши керак. Сирпанчиқнинг пастки қисмига, одатда, бир оз қум тўкиб қўйилади ва бу болаларнинг ерга қаттиқ урилмаслигини, агар йиқилиб тушса ҳам жароҳат олмасликларини таъминлайди.

Турник. Болаларнинг қўл мускулларини ривожлантириш, уларда муаллақ туриш кўникмаларини ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган турниклар болалар майдончаларида турли шаклларда ва турлича баландликларда бўлиши зарур. Энг содда ҳисобланган бу снаряд, одатда, бошқа жиҳозларга халақит бермайди.

Нарвон. Болалар майдончаларидаги нарвонлар оддий нарвонлардан ерга маҳкамланганлиги, кўчмаслиги ва бир неча қаторлиги билан фарқланади. Уч-тўрт қаторли нарвонлар бир тарафдан бир неча боланинг бир пайтда шуғулланиши учун шароит яратишидан ташқари, болалар ўртасида ким биринчи бўлиб нарвоннинг тепасига етиб бориши бўйича мусобақаларни ҳам ташкил этиш имконини беради.

Ўриндиқлар. Болалар майдончасида болалар билан бир қаторда катталар учун ҳам хизмат қиладиган жиҳозлардан бири ўриндиқдир. Болалар майдончаларидаги ўриндиқларнинг баландлиги бошқа жойларда катталар учун мўлжалланган ўриндиқлардан пастроқ бўлади. Одатда болалар майдончалари ўриндиқлари жуда содда, тўртта ёғоч ёки металл оёқ устига жойлаштирилган бир нечта тахтадан иборат бўлади. Ўтиргич сифатида ишлатиладиган тахталар силлиқланган, ўткир қирралари йўнилган ва албатта бўялган ёки лакланган бўлиши талаб этилади.

Карусель. Болалар майдончаларига ўрнатиладиган каруселлар ўзининг содда конструкцияси ва ҳажмининг кичиклиги билан боғларда ўрнатиладиган каруселлардан фарқланади. Бу каруселларда ўтиргичлар бўлмайди ва болалар унда тик турган ҳолда айланадилар. Шу билан бирга, каруселлар электр қуввати билан эмас, катталарнинг ёки болаларнинг жисмоний ҳаракатлари эвазига ҳаракатланади. Болалар майдончалари каруселлари битта подшипникка ўрнатилган ўқ (аксарият ҳолларда йўғонроқ темир қувур) ва унга пайвандланган юза қисмдан иборат бўлади. Айлана шаклидаги юза қисмининг устки томонида болаларнинг тушиб кетмаслиги учун тўсиқ ва каруселни айлантириш учун тиргаклар бўлади. Бу жиҳоз болаларнинг мувозанатлаштириш малакаларини ривожлантиришга, боши тез айланадиган болаларнинг жисмоний қувватини оширишга, болаларнинг баландликка кўникишига хизмат қилади.

Лабиринт. Оддийгина темир қувурлар ёки ёғоч-тахтачалардан ясаладиган, кескин бурилишларга мажбур қиладиган бу жиҳоз болаларнинг сезимли снарядларидан бири ҳисобланади. Жиҳоздан фойдаланишдан олинадиган асосий натижа болаларнинг координация ҳиссиётларини ривожлантириш, қўл ва оёқнинг чакқон ҳаракатларига эришиш ва мусобақалар туфайли ўзларининг жисмоний имкониятларини тўлиқ очишидан иборат.

Баскетбол шити. Болалар майдончаларида битта баскетбол шити ёки майдон кенгроқ бўлса — иккита ўрнатилиши мумкин. Баскетбол тўпи тушадиган тўр болаларнинг бўйларига мос равишда ер — сатҳдан 1,5 метрдан 2,0 метргача баландликда ўрнатилиши мумкин. Бу жиҳоз болаларнинг тўп билан ҳаракатланиши ва тўрга туширишга интилиши орқали деярли барча аъзоларининг ривожланишига хизмат қилади.

Ахлат қутиси. Болалар майдончаларининг болалар томонидан ифлос қилиб юборилмаслиги учун унинг чекка қисмларига ахлат қутилари қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Болалар майдончаларига кириш ва чиқишни ҳеч ким назорат қилмаслиги боис у ерга болалар турли хил егуликларни олиб келиши ва уларнинг қолдиқларини ҳар жойга сочиб юборишининг олдини олиш мақсадида ушбу қутилардан фойдаланилади. Ахлат қутилари битта жойга муқим (кўзгалмас қилиб) ўрнатиладиган ёки жойи ўзгартириладиган бўлиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам ахлат қутиларидаги ахлатларни ҳар куни йўқотиш ишлари амалга оширилиши зарур.